

МИС ҚОЗОН.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими: Ш. Йигиталиева

Ўзбек халқ амалий санъатини ва ҳунармандчилигимизни дунёга танитган муҳим соҳалардан бири бу кандакорлик – металдан ясалган бадий буюмларга ўйиб ёки бўртма усулда нақш бериб ишлов бериш (торевитка) алоҳида ўрин эгаллайди. Бу санъат қадимийлиги жиҳатидан кулолчиликдан кейинги ўринда туради. Жуда қадим замонлардан биринждан, яъни бронзадан буюмлар ясаш урф бўлган. Кейинчалик бошқа маъданлар кашф этилиб, маҳаллий усталар ана шу қимматбаҳо металллар бўлган олтин, кумуш, мис ва жезларга ишлов бериш орқали санъат дурдоналарини яратишган.

“Канда” сўзи форс-тожикча бўлиб, таржимада ўйиш маъносини билдиради ва ганчга, ёғочга, тошга ва суякларга бу каби нақш солиш ишлари амалга оширилган.

Шарқда мисдан турли буюмлар ясаш милоддан аввалги 4 минг йилликдан маълум бўлиб, эрамиздан аввалги VIII аср охири VII асрнинг бошларида қадимги Лидия давлатида пайдо бўлган. Ўрта Осиёга эса бу ҳунар милоддан аввалги IV асрдан бошлаб кириб келган.

Мисгар кандакор усталар томонидан яратилган идишлар пиёла, коса, чой идиш, чойнак, мис лаган, мис товоқ, мис баркаш, лаъли, мис кўза, хумча, қумғон, сатил, офтоба, обдаста, тос, чилобчин, кошкул, шамдон, мантиқосқон, қозон ва шунга ўхшаш идишларни кўплаб ясаганлар. Одатда идишларни қизил мисдан тайёрлаганлар. Шундай ноёб буюмлардан бири ҳақида атрофлича тўхталсак.

Самовар қозон маиший турмушда XX аср бошларида энг қулай уй-рўзғор буюми сифатида ардоқланган, буюртмалар ҳам шунга кўра кўп бўлган.



Бу буюмдан ота-боболаримиз ва момоларимиз уйда ва оталар жамланадиган карвонсарой, меҳмонхоналар ва чойхона, самоварларда **Самовар қозондан кенг фойдаланганлар.**

Ушбу самовар 1948-йилда музейга қабул қилинган. Мис металидан болғалаш усулида ясалган, шакл жиҳатдан уч қисмга бўлинади, яъни пастки қисми, қорин қисми ҳамда оғиз қисмлар, самоварнинг оғиз қисми диаметри қоринга нисбатан кичикроқ бўлиб, у самоварга ўзгача жозиба бағишлайди, пастки қисми самовар учун ҳам ўчоқ, ҳам оёқ вазифаларини бажариб, шакл жиҳатдан усти кесилган конусни эслатади. Қорин ва оғиз қисмларида кесма шаклдаги нақшлар тушурилган бўлиб, бундай тасвирлар XIX асрда Тошкент мисгарлик мактаблари учун урф бўлган. Самовардан сув қайнатиш мақсадида фойдаланилган.

Бу Самовар қозоннинг оғиз қисмига ясаган ёки буюртма асосида тайёрлатган шахс номи араб имлосида ёзилган. Унинг давомидан эса форс тилида битилган шеърни ўқишингиз мумкин.

Араб имлосида ёзилган шеър хуснихати ҳам санъат даражасида битилган. Унда куйидаги сўзларни ўқиш мумкин.

Форс тилида:

Эй соҳиби тос,

Манеҳ фаромушат бод,

Пайваста муроди дил

Дар оғушат бод,

То тос сеҳрбошаду, меҳру меҳр

Нигар бод....

Таржимаси:

Эй тоснинг эгаси

Эсингдан ҳеч қачон фаромуш қилма

Дилинг боғлиқ бўлган

Ва дилингга ёққан нарсани ҳеч қачон унутма.

Бу тос дунё-ю, қуёш тургунча турсин

Бу тосга ўхшаш буюмлар барқарор бўлсин.

Бу тос нозик табиат билан ишланган ва ёқимлидир.

Бу тос-чи доимо таомлар ва шарбатлар билан тўлиб турсин.

Соҳиби Ҳасанбек (ё Ҳусанбек)

Мазкур экспонат Наманган вилояти ҳудудида яшаган мисгар уста томонидан ясалган бўлиб, ундан таом тайёрлашда фойдаланилган. Бугунги кунда кандакорлик ҳунарининг ривожини кўрсатувчи буюм бўлиб, унга туширилган нақшлар вилоятнинг ўзига хос услубини яққол далили сифатида авлодларга қолдирилган меросдир.

Агар йўлингиз Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи томонга тушиб қолса, музейни кўргазма залларини зиёрат қилмай қайтманг. Нимагадейсизми?! Музейнинг этнография ва санъат кўргазмалар залларида нақш безак бериб ишланган мис чойнак, қумғон, косалар, турлипатнослар, лаган, баркаш, офтоба, чилим, самоварларни кўриб уста ҳунараманд аجدодларимиз санъатига яна бир бор таъзим изҳор этасиз.

Аждодлар мероси бўлган бу кўзни қувонтирадиган кандакорлик буюмларидан ташқари, юртимиз археологияси, санъати, маданияти-ю, урф-одатларини ўзида ифодалаган халқимизнинг бой нодир ва ноёб дурдоналаридан ҳам баҳраманд бўласиз. Ўтган кунларга, мозийга саёҳат қиласиз ва бу масканда ўтказган вақтингиздан албатта мамнунлик туясиз.